



May, 2023
<http://dx.doi.org/>

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОИЛА ИНСТИТУТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ АСОСЛАРИ

Садикова Роза Исмаиловна
ТТЕСИ “Ижтимоий фанлар ва жисмоний
тарбия” катта ўқитувчиси

Аннотация: Мазкур мақолада оиланинг мустаҳкамлиги учун Ўзбекистон Республикасида оила муносабатларини тартибга солувчи қонунлар асосида оила дахлсизлиги учун зарур омилларни яратилиши ўрганилади.

Калит сўзлар: оила, жамият, давлат, қонун, Конституция, халқаро оила куни, гендер, аёл, қадрият, қариндош уруғчилик, тенглик, кафолат.

Аннотация: в данной статье будет изучено создание необходимых факторов для семейного иммунитета в Республике Узбекистан на основе законов, регулирующих семейные отношения для укрепления семьи.

Ключевые слова: семья, общество, государство, закон, Конституция, Международный день семьи, гендер, женщина, ценность, родство, равенство, гарантия.

Abstract: this article will study the creation of necessary factors for family immunity in the Republic of Uzbekistan on the basis of laws regulating family relations to strengthen the family.

Keywords: family, society, state, law, Constitution, International Family Day, gender, woman, value, kinship, equality, guarantee.

Оила инсониянинг энг қадимий ва илк бирлиги ҳисобланади. Тарихий маълумотларга кўра, жамиятнинг пайдо бўлиши оиладан бошланган. Шу сабабдан давлатлар оила мустаҳкамлиги учун, оила дахлсизлиги учун зарур омилларни яратиб келган. Оила тўғрисида фикр билдирган Фитрат: -“Ҳар бир оиланинг саодати ва иззати шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлик. Тинчлик ва тотувлик эса миллат оилаларининг интизомига таянади, мамлакат ва миллатлар ҳам шунча кучли бўлади. Агарда бир мамлакатнинг ахолиси аҳлоқсиз ва жохиллик билан оилавий муносабатларни заифлаштириб юборса ва интизомсизликка йул қўйса, шунда бу миллатнинг саодати ва ҳаёти шубҳа остида қолади”,- деган эди. Оила мустаҳкамлиги учун халқаро миқёсда ҳаракат олиб борилмоқда. Бу алоҳида халқаро миқёсда “Оила куни” белгиланиши ва байрам тадбирлари ўтказилишида ҳам кўринади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1993 йил 20 сентябрида бўлиб ўтган йиғилишида 1994 йилдан бошлаб, ҳар йили 15 май кунини Халқаро Оила куни сифатида нишонлашга қарор қилинди. Бу қарорни қабул қилишдан мақсад - барча тараққийпарвар ва тинчликпарвар инсоният диққатини инсон ўз умрини ўтказадиган, ўз орзу умидлари, баҳту саодатини ҳамда тинчлигини таъминлайдиган маскан - оиланинг мустаҳкам бўлишига қаратишидир. Жаҳон халқлари каби Ўзбекистонда ҳам 15-май - Халқаро Оила куни байрам сифатида нишонланади. Барча халқлар учун оила муқаддас даргоҳ ҳисобланади. Шариат қонуни ҳисобланган Қуръони Карим, Хадиси Шариф минг йиллар давомида шарқ халқлари ҳаётининг мафкуравий асоси сифатида оилавий муносабатларни бошқариб келган. Оилани бунёд этиш алоҳида ташкилий-тадбирлар билан амалга оширилади. Янги оилани бунёд этиш жараёнида оилалар, қариндошлар ва бўлажак эрхотин ўртасида келишувлар амалга оширилади. Айниқса, эътиқодга асосланган диний тадбирлар алоҳида ўрин тутади. Амалга оширилган барча ижтимоий тадбирлар, анъаналар оила мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилган. Буюк бобокалонимиз Амир Темур: “Ўғилларим, набираларим ва яқинларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламоқقا эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан teng кўрдим”-деб, оилага катта аҳамият берган. Ўзбекистон Республикаси асосий қонуни- Конституцияда оила алоҳида бўлимда мустаҳкамланган. Ушбу қомусимизнинг 63-моддасида, “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга” деб қайд этилган[1]. Дарҳақиқат, оила жамият пойdevоридир. Агар пойdevор мустаҳкам бўлса, жамият барқарорлиги, осойишталиги ва давлат келажагининг порлоқ бўлиши таъминланади. Цивилизация жараёнида оилани давлат руйхатидан ўтказилиши белгиланган. Мамлакатимизда оилани буюк қадриятларини ҳуқуқий асосларини белгиланган [2]. Оилани ҳуқуқий тартибга солишда Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси алоҳида ўрин тутади. Ушбу кодексда миллий қадриятларга асосланган холда оилани бунёд этиш тартиб қоидалари, эрхотин ўртасидаги моддий ва номоддий муносабатлар, қариндош-уруғчилик, қайн-бўйинчилик,

ота-она ва болалар ўртасидаги муносабатлар, шунингдек, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасидаги оилавий муносабатлар тўлиқ мустаҳкамланган[3].

Жамият тараққиёти оилавий муносабатларга ҳам дахлдор ҳисобланади. Натижада оила масаласида қонунларга ўзгаришлар киритилади ва янги муносабатларни тартибга солиш учун қонунларга эхтиёж сезамиз. Фарзандликка олиш тартибига киритилган ўзгаришлар, алимент ундиришдаги янги қонунлар қабул қилиниши натижасида оила кодексига ҳам ўзгаришлар киритилди. Жаҳон ҳамжамияти томонидан хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган эътибор, халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни яратишга асос бўлиб келди.

Хотин-қизларнинг жамиятда, давлатда тутган ўрни, мавқеи, уларга яратилаётган шароитлар Ўзбекистондаги қонунчиликни халқаро стандартлар даражасига кўтарди.

“Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунида оилаларга янги имкониятлар белгиланган. Жумладан, ушбу қонуннинг 24-моддаси “Оилавий муносабатлар ҳамда болалар тарбияси соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари” деб номланган. Унда белгиланган янги қоидага кўра, “Бола туғилиши муносабати билан она ҳам, ота ҳам ҳақ тўланадиган таътил олиш ҳуқуқига эга. Болани парваришилаш бўйича таътилнинг давомийлиги ота-онанинг ихтиёрига кўра улар ўртасида бўлиниши мумкин, бунда ота-она таътилдан уни қисмларга бўлган ҳолда фойдаланиши мумкин”[4].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев оилани мустаҳкамлаш борасида туб ислоҳотларни амалга оширишда янги стратегияларни белгилаб бермоқда. 2018 йил 24 июль куни Шавкат Мирзиёевнинг Facebook ижтимоий тармоғидаги расмий саҳифасида давлат раҳбари таваллудининг 61 йиллигига бағишлиланган «Жаноб Президент» номли ҳужжатли фильмда - “Оила мен учун муқаддас. Муқаддаслиги шуки, авваламбор қаерда ишлашидан қатби назар, ким бўлишидан қатби назар агар оилада тарбия, оилада мухит, оилада халоллик, муносабат, тарбияга алоҳида эътибор бермаса, ҳеч қачон натижа бўлмайди. Шунинг учун мен фарзандларимнини тарбиясига жуда катта эътибор бераман. Ҳар бир фарзандимга ҳам, неварамга ҳам алоҳида ўзимнинг муносабатим бор. Ҳар бир неварамнин алоҳида характеристини биламан, орзусини, истагини биламан”,-деди у. «Одам баҳтлиман дейишга қанчалик ҳаққи бор? Агар оиланг билан сен баҳтли бўлсанг, баҳтлиман дейишга ҳаққинг бор. Фақат оилам эмас, халқим баҳтли бўлса мен ўзимни баҳтли деб биламан»,- дея таъкидлadi президент [5].

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йил 18 февралда “Жамиятда ижтимоий-маънавий мухитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармон эълон қилди [6]. Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этиш белгиланди. Ушбу вазирлик олдидаги долзарб вазифалар:

- жамият ва оилада соғлом ва барқарор ижтимоий-маънавий муҳит ҳамда тинчлик, тотувлик ва осойишталикни таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини тубдан ислоҳ қилиш;
- оилалар ва маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорлигини ўрнатиш;
- оила институтини мустаҳкамлаш бўйича, энг аввало, «Соғлом оила — соғлом жамият» фоясини ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини олиб бориш, нотинч ва муаммоли оилаларга манзилли қўмаклашишни ташкил этиш;
- ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ ва кам таъминланган оилаларга моддий қўмаклашиш, ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлашда ҳуқуқий, услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш каби долзарб вазифалар эканлиги кўрсатилган.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирда ушбу фаолият бўйича ташкилий вазифалар амалга оширилмоқда. Оилани қўллаб-қувватлаш долзарб масала сифатида олдимизда турибди. Бу жараёнда айрим жиҳатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

- Кейинги пайтда янги оилалар уй-жой муаммосига дуч келишмоқда. Агар оила ажралиб кетса, аёл ва болаларда энг ёмон муаммо турар-жой масаласи ҳисобланади. Шуни эътиборга олиб, ҳар бир қуриладиган оилани турар жой масаласига аниқлик киритиш мақсадга мувофиқ. Оилани иқтисоий муаммоси ҳам оилалар келажагига катта таъсир ўтказмоқда. Шуни эътиборга олиб, оила кодексидаги никоҳ шартномаси масаласини қонун чиқарувчи органимиз қайта кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ. Никоҳ битими тўғрисида қабул қилинадиган қонунда никоҳ тузишдан олдин мажбурий, нотариал тасдиқланган никоҳ келишуви тузиш ва тасдиқланиши керак. Бу келишув оилалар мустаҳкамлигини таъминлашлаш учун асос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-Т., 2018;
2. Иномжонова Г. *Оила, жамият, қонун*. Т., “Ўқитувчи” 2007 й. -б 5
3. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси. Т., “Адолат”. 2018.
- 4 “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. Lex.uz.
5. 2018 йил 24 июль куни Шавкат Мирзиёевнинг Facebook ижтимоий тармоғидаги расмий саҳифасида давлат раҳбари таваллудининг 61 йиллигига бағишлиланган «Жаноб Президент» номли хужжатли фильм. «Газета.uz»
6. “Жамиядда ижтимоий-маънавий муҳитни согломлаштириши, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишилаш тизимини янги даражага олиб чиқиши чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ -5938-сон Фармон